ХИНД КЎШИКЛАРИ ТАРАЛДИ

ФАРҒОНА. Хиндистон "Супермьюзикл" ашула ва рақс гуруҳи Фарғоналик санъатсеварларни катта концерт билан хушнуд этди. Хусусан, Сатима Кумар, Сангит Коли, Рэкчи Радж, Маниши Капур сингари хинд қўшиқчи ва раққосаларнинг чиқишлари мухлисларда унутилмас таассурот қолдирди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ИЛ ОЙЛАРИ 12 АВГУСТ

ЧЎЛПОН БОҒИ

АНДИЖОН. Мамлакатимизда истиқлол фидойиси Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Андижонда шоир номи билан юритилувчи боғни вужудга келтириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу ерда адиб ининг уй-музейи ҳам бўлади. Бунёдкорлик ишларига машинасозлик, "Электродвигатель", "Электроаппарат" каби корхоналар, қурилиш ташкилотлари ва тадбиркорлар ҳомийлик қилмоқдалар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҚУРИЛГАН БИНОЛАР КОЛАДИ

НУКУС. Одамзоддан нима қолади? Бунёд этилган уй-жойлар, кўприклару боғ-роғлар колади, Халкимизга хос бундай шарқона удумларга риоя қилаётган Қорақалпоғистон бунёдкорлари шаҳар ва туман марказларида уй-жой қурилишига эътиборни қаратишмоқда. Ярим йил мобайнида 164,2 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилгани бунинг исботидир.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ИЛ ОЙЛАРИ 12 АВГУСТ

УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИДА МАШҒУЛОТ

ТОШКЕНТ. "Коннот" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида икки ҳафта ишлаган "Аэроконнот" мактабида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Покистон, Малайзия мамлакатларидан 60 ўқувчи таълим олди. Дарсларни космонавт-ўқувчи В. Жонибеков, москвалик космонавтика профессори С. Мурзин ўтказишди. Халкаро коннот мактаби тингловчилари бирлашма бош директори Шавкат Воҳидов раҳбарлигида Самарқандда Улуғбек расадхонасида машғулот ўтказишлар.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 12 август, сешанба № 94 (22.178).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1993 йил 13 август* — **Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этиш бўйича таъсис конференцияси қатнашчилари Ўзбекистондаги барча тадбиркорларга мурожаат қабул қилишди.**

✓ *1996 йил 13 август* — **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жеффери Коннарда раҳбарлигидаги Австралиянинг Виктория штати парламент делегацияси вакиллари Бухорода меҳмон бўлишди. Австралиялик меҳмонлар Бухоронинг тарихий ёдгорликлари — Минораи Калон, Арк, Мир Араб мадрасаси, Сомонийлар мақбараси, Ситораи Моҳи Ҳоса, Лабиҳовузни зиёрат қилдилар.**

ВАТАН ХАРИТАСИ

Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларининг ҳокимликларида Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

***

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида профессионал санъаткорларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами танловининг якуний концерти бўлди.

***

Аргентинанинг Мардель-Плата шаҳрида ўтказилган халқаро ёш математиклар олимпиадасида илк бор Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашди.

***

Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат қилаётган грециялик тинчлик элчилари Ольга Пападогианни ва Костас Митсанис пойтахтимиз Тошкентда бўлишди.

***

Самарқандда «Венибе» Ўзбекистон—Литва қўшма корхонаси дастлабки маҳсулот—юмшоқ мебель тўпламини савдога чиқара бошлади.

***

Жиззах марказида 10 гектар майдонда Маънавият мажмуи барпо этилмоқда

***

Урганчдаги «Маёқ» заводида 150 литр сув иситиш қувватига эга бўлган қуёш батареялари ишлаб чиқарилмоқда.

***

Республика «Пахтасаноатсотиш» уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда биринчи ярим йиллик якунлари, янги пахта ҳосилини қабул қилиш ва уни сифатли қайта ишлаш масалалари муҳокама этилди.

***

Бухоронинг шимолида соатига 300 нафар йўловчига хизмат қилишга мўлжалланган янги автовокзал қурилмоқда.

ИЗҲОР КЎНҒИРОҒИ

133-76-04
133-73-43

МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИҚАТНИ БЕРДИ

Қишлоғимизда бир қанча табаррук жойлар бор эди. Улар зиёратгоҳ саналарди. Мустабид тузум кўпларини яксон қилди. Қишлоғимизнинг асли номи Ғавс. Чунки сал наридаги тоғ ён бағрида пир Ғавс ул-аъзамга тегишли муқаддас жой бор.

Даҳрийликни байроқ қилиб олган баъзи раҳбарлар ўша йилларда талай муқаддас жойларни йўқ қилишди. Ҳатто, бир куни бульдозер билан Ғавс ул-аъзам зиёратгоҳини ҳам суриб ташламоқчи бўлишди. Ҳайриятки, нимадир сабаб бўлиб, қабиҳ ният амалга ошмай қолди.

Ўша кезларда зиёратгоҳга тунда келардик. Чунки кундузи ҳеч кимни йўлатишмасди. Яқинига бориб қолган одам коммунист бўлса партиядан, ишчи бўлса ишидан кетарди. Қишлоғимизнинг Ғавс деб аталишини ҳам таъқиқлашганди. Натижада Ғўс деб ўзгартирилди. Ўша даврдаги паспортларимизга русча «Гусская кишлачний совет» деб тамға урилади.

Аслида у паспортга эмас, юрагимизга урилган тамға эди.

Мустақиллик азалий қадриятларимизни ўз жойига қўйди. Энди мендан «Мустақиллик сизга нима берди?» деб сўрасалар ҳақиқатни берди деб баралла айтаман. Чунки юрагимизда ётган барча армонлар ушалди. Юқорида айтилган обидалар таъмирланди, зиёратгоҳлар гавжумлашди. Одамлар энди тунда эмас, кундузи зиёрат қиладиган бўлдилар. Қишлоғимизнинг тарихий номи ҳам тикланди.

Эсон ТЎРАЕВ,
Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ ОЛДИДАН

ХОРАЗМ. Мустақиллик байрами олдидан Урганчдаги Амир Темур номли маданият ва истироҳат боғида туман кунларини ўтказиш бошланди. Деҳқону соҳибкорлар ўзлари етиштирган неъматлар билан шаҳарликларни баҳраманд этишга ошиқмоқдалар. Сифатли ва арзон маҳсулотлар савдоси авжида. Бундай тадбирнинг маданий қисми ҳам кўпчиликни хушнуд этмоқда. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган туман кунларида ЎзХДП вилоят Кенгашининг фаоллари ҳам қатнашиб, яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Ҳасан РЎЗИМОВ.

НЕМИС ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

НУКУС. *Қорақалпоқ деҳқонлари сифатли уруғлик олиш имкониятига эга бўлдилар. Хусусан, Нукусдаги «Уруғ» ҳиссадорлик жамияти Германиянинг «Петкус Буга» фирмасидан холис ёрдам сифатида махсус ускуна келтиришди. Соатига 2,5 тонна донни тозалаш қувватига эга бўлган бу ускуна ёрдамида халқаро андозаларга мос буғдой, шоли, маккажўхори уруғларини тозалаш мумкин. Шу кунларда иккинчи ускунани созлаш ишлари давом этмоқда.*

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 12 августидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	52,40	1 Норвегия кронаси	9,39
1 Австрия шиллинги	5,47	1 Польша злотийси	20,48
1 Англия фунт стерлинги	113,00	10 Португалия эскудоси	3,81
10 Бельгия франки	18,65	1 Сингапур доллари	48,24
1 Голландия гульдени	34,18	1000 Туркия лираси	0,44
10 Греция драхмаси	2,46	1 Финляндия маркаси	12,89
1 Дания кронаси	10,11	1 Франция франки	11,43
1 БАА дирхами	19,38	1 Швеция кронаси	8,97
1 АҚШ доллари	71,18	1 Швейцария франки	47,11
1 Миср фунти	21,04	1 ЭКЮ	75,77
1 Ирландия фунти	102,64	10 Жанубий Корея вони	0,80
1 Исландия кронаси	0,98	10 Япония иенаси	6,17
10 Испания песети	4,47	1000 Россия рубли	12,26
100 Италия лираси	3,95	1 Украина гривнаси	38,33
1 Канада доллари	51,20	1000 Белорусь рубли	2,61
1 Хитой юани	8,59	1 Эстония кронаси	5,62
1 Қувайт динори	233,53	1 Латвия лати	119,83
100 Ливан фунти	4,63	1 Литва лити	17,80
1 Малайзия рингги	26,23	1 Қозоғистон тенгеси	0,94
1 Германия маркаси	38,51	1 Қирғизистон соми	4,09

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Кеча Сингапурда АСЕАН мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Комбоджада юз бераётган воқеалар шунингдек, мамлакат ташқи ишлар вазири Уиг Хуотанинг биринчи бош вазир лавозимига тайинланиши хусусидаги масалалар муҳокама қилинди.*

***

☑ *Террорчилик ҳаракатларининг тўлқини Покистон шаҳарларини ларзага келтирмоқда. Ўтган шанба ва якшанбада фақат Панжоб вилоятининг ўзида 19 киши ўлдирилди. Полиция маълумотларига кўра мамлакатнинг иқтисодий пойтахти — Карачида кейинги 8 ой ичида 398 киши ҳалок бўлди. Шу муносабат билан Покистон бош вазири Навоз Шариф федерал ҳукумат Панжобда фавқулодда ҳолат эълон қилиши масаласини кўриб чиқишини айтди.*

***

☑ *Яқин кунларда Чеченистон Президенти гаровга олинганларни озод қилишда даллолчилик билан шуғулланганларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги Фармонни имзолашни кўзда тутмоқда.*

***

☑ *«Приморсккўмир» акционерлик бирлашмаси директорлари кенгаши қарорга кўра қарздорларга кўмир жўнатиш тўхтатилади. Бу қарор биринчи навбатда «Дальэнерго» акционерлик жамияти корхоналарига нисбатан қўлланилади.*

***

☑ *АҚШ давлат департаменти матбуот хизмати раҳбарининг ўринбосари Жим Фоли норасмий брифинг ўтказди. У АҚШ давлат котиби Медлен Олбрайтнинг яқин Шарққа ташрифи тезда бошланади, деди. Бундан илгари Олбрайт агар яқин Шарқдаги вазият у бориши билан ўзгаришига кўзи етмаса, ташрифдан фойда йўқ, деганди. Шу боис Олбрайт телефон орқали Арофат, Нетаньяху ва Иордания қироли Ҳусайн билан гаплашиб олди.*

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ



ЮНУСОБОД ТЕННИС МАЖМУИДАГИ ЯНГИ КОШОНА.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

ТУТ УРУҒИДАН ҚИММАТЛИ МАТОГАЧА...

Ислоҳот ва масъулият

СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА: ***Ориф хожи Ураимов, ЎзХДП аъзоси, Абдуллажон Нурматов номли Хўжаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси, Санкт-Петербург политехника институтини тамомлаган, меҳнат фаолиятини чиланғарликдан бошлаган. Кейинчаллик Тошкент ва хорижда ишлаб келган. Чинобод пахта заводида директор бўлган. Гўлян деган тажоввузкор билан басма-бас олишган. Бир сўзли, элпарвар, ташаббускор. Жамият ва унинг раҳбари шиори: Яхши ишлаб, яхши яшаш.***

— Орифжон, мустақиллик пахтани қайта ишлаш саноати ходимлари ҳаётида қандай ўзгаришлар ясади?

— Муҳтарам Президентимиз ҳамиша Ватан туйғуси, миллатнинг ор-номуси ва ғурури ҳақида тўлқинланиб гапирадилар. Шу маънода мен ҳам юртимнинг озод ва ободлигидан, ўзи етиштирган қимматли хом ашёни ўзи жаҳон бозорига олиб чиқиб сотиш имкониятига эга бўлганлигидан чексиз фахрланаман. Бир ҳақиқатни айтай. Илгари ҳам Ўзбекистон толаси жаҳон мамлакатлари эътиборини қозонган. Бироқ маҳсулотимизга кўпроқ харидор бўлган Россия тўқимачиларидан ҳамиша «дўстона эътироз» (яъни рекламация) олиб турардик.

Мустақиллик шарофати ила биргина бизнинг жамиятимиз Англия, Италия, Туркия, Жанубий Корея каби дунёнинг ривожланган давлатларига тола жўнатмоқда. Шуниси қувончлики, маҳсулотимиз учун таъна эмас, ташаккур эшитяпмиз.

— Сиз раҳбарлик қилаётган ҳиссадорлик жамиятида тола сифати жаҳон андозаларига жавоб бериши юзасидан қандай ташкилий-техникавий чоралар кўриляпти?

— Асосан технологияни такомиллаштириш йўлидан боряпмиз. Ҳозир республика пахта тозалаш саноатида фойдаланилаётган машина ва механизмлар маънавий эскирган йўқ. Аксинча, ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш йўли билан мавжуд технологияни янада яхшилаш имкониятлари бор. Масалан, юқори навли пахтани қайта ишлашга қуритиш-тозалаш цехини «четлаб» ўтиб, бевосита тола ажратишга киришганлигимиз юқори самара келтиряпти. Бундан ташқари кўп миқдорда электр энергияси талаб қиладиган сепаратор (СС-15) ўрнига қуввати 5,5 киловаттли тасмали ўтказгич ишлата бошладик. Бу маҳсулот сифатини оширишга таъсир кўрсатишдан ташқари соатига 64,5 киловатт электр энергиясини тежаб қолиш имконини бермоқда. Умуман, муҳандисларимиз билан келишиб, янги механизмлар сотиб олишга ружу қўймай, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенгайтириб, мавжуд техника воситаларидан оқилона фойдаланяпмиз.

Натижа ёмон эмас. Ўтган йилги ҳосилни қайта ишлашда мамлакатда юқори кўрсаткичларга эришдик. Аниқроғи, тола олиш режадаги 31,3 ўрнига 32,9 фоизни ташкил этди. Бу қўшимча 412 тонна пахта демакдир. Олинган 7 миллион соф фойда ҳиссадорларга тақсимлаб берилди.

— Маълумки, республикамиз истиқлолга эришгач, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, мамлакатда ғалла мустақиллигига эришиш учун пахта экиладиган майдонлар қисқартириляпти. Бу ўз навбатида пахта тозалаш корхоналарида иш кўлами камайишига, ишчи ўринлари қисқартирилишига олиб келмаяптими?

— Айнан шунинг учун ҳам юртбошимиз ҳар бир раҳбардан ташаббускорликни, изланиб ишлашни, қўл остидаги ишчилар манфаатини қатъий ҳимоя этишни талаб қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлисида ҳам шу ҳақда гап борди. Айниқса, аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятда ҳар бир ишчи ўрни ҳисобкитобли. Заводимиз авжга чиққан йиллари, яъни 30—35 минг тонналаб хом ашё қайта ишланган кезларида жами 450—500 киши меҳнат қиларди. Ҳозир ишчи-хизматчиларимиз сони қарийб икки бараварга кўпайди.

— Бунга қандай эришиляпти?

— Заводимиз ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, биринчидан ҳар бир киши онгига мулкчилик янги шаклининг ўзига хос жиҳатлари обдон тушунтирилди. Корхонадаги ҳар бир дастгоҳ, ҳар бир ашё энди ўзлариники эканлиги уқтирилди. Шундан кейин эркин фикр ва ташаббусларга кенг йўл очилди. Ҳозир жамиятимиз қошида 15 дан зиёд фирма, кичик корхона, ёрдамчи хўжалик ва маиший хизмат турлари ишлаб турибди. Улар бир мақсадни кўзлаб фаолият кўрсатади. У ҳам бўлса ҳиссадорлик жамиятининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишдир.

— Ана шу кичик корхона ва фирмалар қайси йўналишларда иш олиб боришмоқда.

— Дастлаб, пиллачилик хўжалигини ташкил этдик. Фақат шу йилнинг ўзида 3250 килограмм «кумуш тола» етиштирдик. Бу соҳадан олинган соф фойда бизни яна бир ишга руҳлантирди. «Адир» номли фирма очиб, тут ва терак кўчатлари етиштира бошладик. Кейин тайёр ипакни йигириш масаласи кўндаланг бўлди. Натижада пиллани қайта ишлаш кичик фабрикасига қўл урдик. Мақсадимиз Кўтарма қишлоғида тут уруғидан бошлаб қимматбаҳо матоларгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйишдир.

СУРАТДА: илғор тўқувчилар Муроджон Усмонов билан Оминахон Мамажонова.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Мақтаниш эмас — ҳозир ихтисослашган тикувчилик корхонамизда тайёрланаётган қўлбола ёпқичлар республикамиздаги барча пахта тозалаш заводларига жўнатилмоқда. Биз ёпқич тикиш технологиясини ўзимиз йўлга қўйдик. Илгари Россия Федерациясидан келтирилган брезент билан битта пахта ғарамини ёпиш учун 280—350 минг сўм сарфланарди. Айни чоғда бу тадбирга 60—80 минг сўм кифоя қиляпти. Бу йил 178 кишилик мазкур жамоа 6 минг дона ёпқич тикмоқчи. Кейинги вақтларда маҳсулотимизга ғаллакорлардан ҳам буюртма тушди.

Бу йил қоғоз қоп тикиш ва арқон эшишни ўзлаштирдик. Битта қоғоз қопнинг нархи 35—40 сўмга тўғри келарди. Биз эса маҳсулотимизни 16 сўм 70 тийиндан сотяпмиз. Ҳар иккала цехда 80 га яқин киши меҳнат қилиб, мўмай даромад оляпти.

Ғўза кўчати етиштирадиган синов фабрикамиз ҳам истиқболли иш билан шуғулланяпти. Бу ерда буғдойдан бўшаган майдонларга экиш учун ғўза ниҳоллари етиштирилади.

— Хабарингиз бор, юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида инсон манфаатларига алоҳида тўхталиб ўтди?..

— Албатта, ҳар бир муваффақият омили инсон манфаатлари билан боғлиқ. Биз ишчи-хизматчиларимизга қулай шароит ва имконият яратмай туриб, катта мақсадларга эриша олмаймиз. Жамиятимиз қошидаги ёрдамчи хўжалик жамоамизни гўшт ва сут билан таъминлайди. Умумий овқатланиш бўлими арзон нархда тушлик ва кечки овқат тайёрлайди. Ўз тегирмон ва обжувозимиз бор. Улар ҳам ходимлар хизматида.

Яқинда ижарага буюм бериш бўлимини очдик. Энди тўй ва тантана маросимларини ўтказишни шу хизмат ходимлари тўла зиммасига олдилар. Транспорт, ошпазлик, санъат соҳасидаги барча юмушларни тўласинча адо этадилар. Унинг ҳақи маросим ўтказган шахс маошидан икки йил давомида ушлаб қолинади. Яқин келажакда ишчилар учун рўзғор харажатларини ҳам ўзимиз бажариб бермоқчимиз.

Саломатлик маркази, фахрийлар гуруҳи, тижорат бўлими — буларнинг барчаси инсон манфаатлари учун хизмат қилади.

— Жамоанинг маданий, ҳуқуқий тарбияси ҳақида нима дея оласиз?

— Ишчиларимиз қишлоқ фуқаролари. Аммо ғоят ўқимишли, янгиликка ўч халқ. Жамоамизда 55 нафар киши ўз маошлари ҳисобидан «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишган. Бу газетада ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий маданият масалалари кенг ёритилаётганлиги бизни мамнун этяпти.

Суҳбатдош: Абдумутал АБДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози»нинг жамоатчи мухбири.

Партиядошлар ҳаёти

ЯНГИЧА МАЗМУН БОР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши шу йилдан бошлаб, ҳар ойнинг иккинчи сешанба куни туманда «Маънавият ва маърифат» куни ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Туман ҳокимлиги бу ташаббусни маъқуллади. Мана 4 ойдан буён туманда «Маънавият ва маърифат» кунлари 41 та маҳалла, 52 та мактаб ва болалар боғчаларида мунтазам ўтказилиб борилмоқда.

Бағдод шаҳарчасининг «Дўстлик» маҳалласида 9 нафар отахон ва онахонларни табаррук ёшлари билан муборакбод этдик. Шаҳарчадаги 1-ўрта мактабда эса туман кенгаши қошидаги «Истиқлол» кўчма клубининг «Маънавият ва маърифат» кунига бағишланган навбатдаги «Юксак маънавиятсиз келажак бўлмайди» туркумидаги театрлаштирилган машғулоти ҳам қизиқарли ўтди.

Яқинда эса «Маънавият ва маърифат» кунлари олдидан тумандаги барча жамоа хўжаликларининг ўн мингга яқин аъзолари 10 кун давомида Қўқон шаҳридаги Ҳамза номидаги драма театрининг спектаклларини томоша қилиб, бой маънавий озуқа олдилар ва маданий ҳордиқ чиқардилар. 52 та мактаб директорлари юртимизнинг бой тарихий меросини ўрганиш мақсадида Самарқанд ва кўҳна Бухоро шаҳарларига саёҳат қилдилар. Қисқаси, туманимизда ўтаётган маънавият кунлари тобора бир-биридан бой ва мазмунли бўлиб боряпти.

Рустамжон ЕГИТАЛИЕВ, Ўзбекистон ХДП Бағдод туман кенгашининг биринчи котиби.

«САХОВАТ»ДА ҲИММАТ КЎРСАТИБ

ХОРАЗМ. *Урганч шаҳар ижтимоий таъминот бўлими қошида очилган «Саховат» фирмасида 15 нафар киши иш билан таъминланди. Бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳоли буюртмасини бажариш йўлга қўйилган. «Фирмани очишдан мақсад кам даромадли нафақахўрларга ёрдам кўрсатиш, — дейди ижтимоий таъминот бўлими мудири Улуғбек Исмоилов. — Ишлаб топилган даромаднинг 30 фоизи ана шундай ҳайрияларга сарф қилинади». Яқинда фирмада ишлаб топилган дастлабки даромад савобли ишларга сарфланди.*

(Ўз мухбиримиз).

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ИЗЛАБ

ФАРҒОНА. *«Ҳаракат ва муаммоларнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш» мавзусига бағишланган семинар бўлди. Экологик муаммолар ечимини излашга бағишланган бу йиғинда АҚШ, Қозоғистон ва Халқаро ривожланиш институти мутахассислари иштирок этишди*

Алишер ИБОДИНОВ.

БОҒАРО НАФОСАТ

ТОШКЕНТ. *Республика Бадиий академияси санъатшунослик институтига келган киши ажиб гўзаллакнинг гувоҳи бўлади. Бу ерни ўзига хос музей деса бўлади. Хусусан, бинонинг биринчи қаватидаги безаклар — гулларарo жойлашган тасвирлар ўзига хос ҳайкалтарошлик боғини ёдга солади. Ошиқ-маъшуқларнинг тасвирлари, деҳқон, сувчи каби қиёфалар кўз ўнгингиздан ўтади. Термиздан келтирилган, тошдан ишланган устун пойдеворини кузатган киши 2-3 минг йиллик меъморчилик санъати тарихидан дарак топади. Айниқса, бинонинг ичкариси — таниқли мусаввир Чингиз Аҳмаров билан унинг шогирди Темур Саъдуллаев ижодига мансуб аёллар нафосатига хос туркум асарлар кишини лол қолдиради.*

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

Миннатдорчилик

ЭЗГУЛИККА ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида суратга олинаётган «Кўнгил кўчалари» видеофильмининг муаллиф ва иштирокчиларидан иборат гуруҳ яқинда Самарқанд вилоятига сафар қилган эди. Видеофильмнинг айрим эпизодлари Имом ал-Бухорий масжидида, Челак тумани қишлоқларида, шунингдек, Самарқанд шаҳрида суратга олинди. Биз қаерда бўлмайлик, ҳамма жойда хайрихоҳлик ҳамда ишимизга кўмаклашиш истагига дуч келдик.

Шунинг учун газета орқали Челак тумани ҳокими Шуҳрат Шакаровга, Имом ал-Бухорий масжиди имом-хатиби Усмонхон хожи жанобларига, масжиднинг барча ходимларига, туман аҳолисига, бу ишнинг ташаббускори ва жонкуяри Зиёдулла Нурматовга, шунингдек Самарқанддаги «Гўри Амир» мақбараси, Регистон, Шоҳизинда ансамбллари, Бибихоним масжиди, Улуғбек расадхонаси, «Интурист» меҳмонхонасининг маъмурияти ва ходимларига бизга берган кўмаклари учун самимий миннатдорлик билдирамиз.

Гуруҳ номидан: Машраб БОБОЕВ.

Ёмон бошини ейди

ҚИЛҒИЛИКНИ ҚИЛИБ, ЯЛИНГАН МАҲКУМЛАР

«Инсон дунёга келиши билан яшашга интилади. Ҳаётда ҳар хил қийинчиликларга дуч келади. Мен шу йўлга алданиб кириб қолиб, ўзимнинг қилмишимни баҳолай олмадим. Нодонлик қилдим. Қаттиқ адашдим. Барча қариндошларим, ота-онамни бир умр уятда қолдирдим. Уларнинг олдида шарманда бўлдим.

Қамоқ — бу айрилиқ. Фақат дийдор кўриш умиди билан инсон ҳаммасига чидайди. Бандасига тўзим берсин экан.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаб, вояга етказиб, сўнгги куним-охирги манзилимга елкалаб борсин, дея умид қилади. Отам 75 ёшда, онам эса 73 ёш. Мен аниқ биламан уларнинг қисмат кунида, қабрлари устига бир сиқим тупроқ ташлай олмайман. Шунинг ўзи менга олий жазодир. Ота-онамнинг видолашув дақиқалари насиб этиши, ҳеч бўлмаса қабрларини кўришим учун ўтиниб сўрайман. Ялинаман. Ёрдам беринг. Менга тайинланган ўлим жазосини қамоқ жазоси билан алмаштиришингизга муҳтожман».

Бу олий жазога ҳукм қилинган маҳкумнинг тавба-тазарруси. Унинг, ҳамтовоқларининг қилган жиноятлари нима эди, ўзи?

... Россия Федерациясининг Чапаевск шаҳрида яшовчи Любовь Лебедева 1994 йил ноябрида Ўзбекистонга келади. Албатта уч-тўрт аёл билан. Ташрифдан мақсад гиёҳвандлик воситаларини харид қилиш ва ўлжани Россия ҳудудига ўтказиш бўлган. Шу орқали шахсий бойлик орттиришни кўзлаган Лебедева Тошкентдаги Памирский кўчасидан уйни ижарага олади. Шу ерда миллатдошлари — лўли аёлларни учратгач, режага кўра Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида яшовчи Туроб Туробовникига боради. Сотувчи ва харидор дарров жиноий тил бириктиришади. Кўкнори ширасининг ҳар килоси баҳоси 2 млн. 300 минг рублга келишилади. Шундан сўнг Т. Туробов бундай юмушларнинг «устаси» бўлиб кетган қадрдони — Саттор Низомовга мижоз келганини билдиради ва у орқали беш кунда 10 кило кўкнори ширасини топади.

Энди асосий масала қолганди. Юкнинг хавфсизлигини таъминлаш ва белгиланган жойга элтиш. Туроббой бунинг ҳам ечимини топиб қўйганди. Ўша заҳотиёқ у Самарқанд туманидаги ИИБнинг жиноятларнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Тўйчи Ахтамовга бу ҳақда айтади. Майорга юк ва аёлларни Тошкентга элтиш вазифасини юклайди.

1994 йилнинг декабрь ойи охирида С. Низомов Т. Туробовни Термизда яшовчи қайнағаси Саитниёз Шарипов билан таништиради. Шу чоғдан эътиборан икки жиноий гуруҳ бирлашиб, унга Саитниёз бошчилик қилади. Муқаддам тўрт марта судланган С. Шарипов гиёҳванд воситаларни топиш, сотишда пихини ёрганлардан эди. Ўшандан-да у даврани кенгроқ олди. Икки марта судланган Ҳуниддин Холиқов ҳамда Сурхондарё вилояти ИИБси жиноятларнинг олдини олиш бўлими ходими, милиция катта лейтенанти Алишер Норқуловларни ҳамкорликка жалб қилади.

Истаймизми, истамаймизми, бир факт эътиборни тортади. Қаранг, жиноятларнинг олдини олиши лозим бўлган милиционерлар жиноятга шерик бўлишяпти. Бирови гиёҳванд моддаларни Самарқандга, иккинчиси ўша оғуни Тошкентга етказиб беряпти. Ҳам бензин пули, ҳам минг-минг сўмлаб хизмат ҳақи олиб, ҳаром ҳаришга қўл уряпти. Энг ёмони бу ҳаракатлари билан осойишталик посбони — милиционер номига доғ туширяпти. Бўлмасам бирови майор, униси катта лейтенант.

Т. Ахтамов 46 кило «юк» билан ўз машинасида пойтахтга кетаётганда ушланди-ю, жиноий ишга хотима ясалди. Ўтган бир йил давомида ушбу жиноий гуруҳ 160 кило гиёҳванд моддани қўлидан ўтказибди экан!

«Тўрт нафар фарзандим бор. Аёлим касалманд. Рўзғор тебратиш мақсадида, дори-дармон қимматлигидан иложсиз шу ишга қўл урдим. Шафқат қилинглар».

Маҳкумнинг бу арзи-додига ким ишонади? Оилани ўзганинг хони-монини қуйдириш эвазига тебратмайдилар-ку. Рўзғорга ҳалол луқма кирсагина файз-барака бўлади. Еган-ичгани татийди. Қаранг-ки, оғир жазо тайинлангачгина болалари эсига тушибди. Буни олдин ўйлаш лозим эмасмиди? Лозим эди!

Одил суд жиноятчиларнинг қилмишларини тўғри баҳолади. С. Шарипов, Т. Ахтамов, Ҳ. Қосимовлар олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилинди. Жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Элимиз серфарзанд, серуруғ халқ. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги маҳкумларнинг ҳам ўғил-қизлари, қариндош-уруғи бор. Ака-укаси, ота-она, дўст-ёр ҳақидаги бу сатрларни ўқиш уларга оғир. Айрилиқ қуйида ёнаётган қалбларни ларзага солади. Лекин аччиқ бўлсаям ҳақиқатни айтмоқ лозим. Токи у бошқаларга таъсир этсин. Жиноят қаршисида жазо борлигини билсин.

Кишини ўйга толдирадиган яна бир воқеа устида тўхталсак. У Сурхондарё ҳудудида рўй берган.

Афғонистон фуқароси Аннамурод ўғли Саттор тижорат ишларини юргизиш ниқобида Термизга келади. Сўнг юриб-юриб Музрабод туманидаги Хошмон қишлоғига боради. У ерда Удаков Жумагелди, Худойбердиев Чори, Абдуқодиров Ахмедлар билан танишади. Кейин Афғонистондан гиёҳвандлик воситаларини контрабанда йўли орқали олиб келиб сотиш ҳақида жиноий тил бириктиради.

Жиноий гуруҳ дарров ишга киришади. Ўтган йилнинг тахминан 15 март куни кечаси давлатимиз чегарасини бузиб ўтиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган резина қайиқда Амударёдан сузиб Афғонистон ҳудудига ўтадилар. Саттор ўз жиноий ҳаракатини давом эттириб ҳамкишлоғи Қурбон ўғли Муҳаммадни ҳам бирга ишлашга жалб этади. Улар тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахслардан 29 кило «опий» ва ўқ отар қуролларини олиб, Ўзбекистонга қайтишади. Жиноятчилар ҳар кило «опий»ни 300 АҚШ доллари, ўқ отар куролни ҳамда тўппончани 600 доллардан пуллаш ҳақида келишадилар. Аъзолар сони кундан-кунга кенгайиб Худойбердиев Шихназар ҳам гуруҳга қўшилади.

Бўлаётган қонунсиз ҳаракатларнинг хавф-хатарсиз ўтиши, чегарадан хилват жойларни тошпини Удаков Жумагелди ўз зиммасига олади. Келтирилаётган гиёҳванд моддаларни, ўқдорини, харидор топиш вазифасиям Жумагелди зиммасида эди.

Ўтган йилнинг 11 апрель куни оқшомда контрабанда аъзолари яна давлатимиз чегарасини бузишади. Бу гал уларнинг қўни-қўнжи тўла эди. 60 кило 150 грамм «опий», 4 кило 860 грамм «гашиш», уч дона АКМС автомати 210 дона ўқи билан, «Стар» тўппончани олволишганнини харид қиладилар. Орадан ҳеч қанча ўтмай «сомонни» фойдасига пуллашади. Қарашса, тушум яхши. Шундан-да жиноий гуруҳ фаолиятини давом эттиради. Энди улар «юк» излаб Тожикистон томон юрадилар. У ердаям ҳамтовоқлари тезда топилади. Ишнинг силлиқ кетаётганидан хурсанд гуруҳ 41 кило кўкнори «сомонини» харид қилишади. Сўнг уни контрабанда йўли билан божхона назорат пунктини четлаб, Бахмалга элтишади. Чўнтаклари қаппаяётган гуруҳ аъзоларининг ошиқлари олчи эди. Янги-янги мижозлар топиш, енгил меҳнат орқали бойиш, шу туфайли шоҳона яшашни орзуманди эдилар. Уларнинг ҳам пуч хаёллари чилчил синди. Вақтида жирканч фаолиятларига барҳам берилди. Жиноятчиларга Жиззах вилоят судининг ҳукми билан узоқ муддатли жазо белгиланди. Энди ҳаммаси қилмишига пушаймон еб ўтирибди.

Баъзилар бор билиб-билмай жиноятга қўл уради. Суд мажлисида бу албатта эътиборга олинади. Аммо юқорида тавсиф этилган жиноятларнинг иштирокчилари ҳақида у гапни айтиб бўлмайди. Негаки уюшган бу гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси билиб туриб, онгли равишда жиноят қилган. Ўз нафсини, шахсий манфаатини ҳар нарсадан устун кўриб, ҳаром-ҳариш йўлига кирган. Улар Ватан туйғуси, эл туйғусидан бенасиб инсонлар, маънавий қашшоқлардир.

«Эҳ аттанг. Жуда адашдим. Кўзимга ҳаёт ширин кўринянти. Ҳақорат, тепки, очлик, ҳаммасига розиман. Фақат ўлим жазосини ўзгартиринглар. Қари ота-онамнинг тобутини кўтариш насиб этса, болаларимни бағримга боссам армоним йўқ. Фарзанд бўлиб, ота бўлиб уларга бир қултум сув тутолмасам армон. Илтимос, ўтинаман...»

Қилгиликни қилиб қўйган маҳкумнинг ноласи бу. Афсуски, энди кеч...

Бахтиёр ПЎЛАТОВ, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бошқарма бошлиғи 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

Қурбон ЭШМАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР ТОКАЙГАЧА?»

Вилоят ҳокимлиги рўзноманинг 1997 йил 17 июнь сонида чоп этилган «Қуруқ ваъдалар токайгача?» сарлавҳали танқидий мақолани ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади:

Шаҳрисабз туманидаги Б. Фозилов номли жамоа ширкат хўжалиги ҳудудида янги қурилган 137 хонадонни электрлаштиришни жамоа ширкат хўжалигининг ҳисобидан амалга ошириш, қурилиш-монтаж ишларини 2- «Ўзэлектроқурилиш» трестининг 14-кўчма колоннаси томонидан 1997 йилнинг III-чораги мобайнида бажаришга келишилган. Буни туман ҳокимлиги ўз назоратига олган.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. КАРИМОВ.

* * *

Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги «Қуруқ ваъдалар токайгача?» сарлавҳали танқидий мақолани Б. Фозилов номли жамоа хўжалиги маъмурияти билан ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Хат муаллифлари яшайдиган хонадонларни электрлаштириш учун смета тузилиб, унда кўрсатилган 1,9 миллион сўмга Б. Фозилов номли жамоа хўжалиги пудратчи ташкилот 14-ХМКК билан ўзаро шартнома тузишди.

Ушбу шартномада 1997 йилда электрлаштириш зарур бўлган хонадонларни тўлиқ электрлаштиришни иккала томон ўз зиммаларига олдилар.

Шаҳрисабз тумани ҳокимининг муовини М. ИСАЕВ.

«Интернет» ахборот тизимининг хабарига кўра Тожикистон пойтахти Душанбедаги вазият янада мушкуллашди. Бу ерда шанба ва якшанба куплари полковник Сухроб Қосимов раҳбарлигидаги Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги биринчи оператив бригадаси ҳарбий хизматчилари ва республика божхона қўмитаси раиси Ёқуб Салимов тарафдорлари ўртасида қаттиқ ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтди. Якшанба куни Душанбедан олинган хабарларга кўра куннинг иккинчи ярмида Қосимов бўлинмалари Салимов гуруҳларини тўла тор-мор келтиришган. Салимовнинг ўзи эса номаълум томонга қочиб кетган.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Якшанба куни кечқурунга яқин Душанбедаги барча дўконлар ва бозорлар ёпиқлигича қолган. Қуролли шахслардан иборат гуруҳлар барча дўконларни ва шаҳарнинг жанубий қисмидаги «Саховат» бозорини талаб кетишган.

Душанбенинг жанубий томонидаги вазият эса ҳозирча аниқ эмас. Пойтахтни Кўрғонтепа шаҳри билан боғлайдиган катта йўлда Президент гвардияси аскарлари полковник Маҳмуд Худойбердиев раҳбарлигидаги тезкор ҳужум қилувчи бригада бўлинмалари билан жанг қилишди. Худойбердиев аскарлари Салимовга ёрдамга боришаётган эди. Икки томон ҳам техника ва аскарлари жиҳатидан анчагина талофат кўрди.

***

Чеченистон томони Россия ва Чеченистон Президентлари Борис Ельцин ва Аслан Масхадовнинг учрашувини «Учинчи мамлакатда» ўтказишни мўлжалламоқда, —деди Чеченистон вице-президент Ваха Арсанов. Унинг сўзларига қараганда Чеченистон томони Москвага учрашувни Озарбойжон ёки Белоруссияда ўтказишни таклиф этган.

БУ САФСАТА ЭМАС

Босния сербларининг собиқ раҳбари Радован Каражич ҳозир ҳам қидирувда. Бироқ у «фахрий шароит» яратилса халқаро трибуналга таслим бўлишга тайёр эканлигини айтди. Ўзи устидан бўладиган суд жараёнини Босния сербларига қарашли бўлган ҳудудда, Сербия қонунчилиги асосида ўтказилишини таклиф қилди. Бунда, деб қўшимча қилди Каражич, халқаро трибунал суд жараёни устидан назоратни амалга ошириши мумкин.

***

Мексика Президенти Эрнесто Зедильо камбағалчиликка қарши кураш бўйича миллий дастурни амалга оширишга киришганлигини баён қилди. Шу йилнинг охиригача Мексика ҳудудида яшайдиган 400 мингдан зиёд оила ушбу дастур билан қамраб олинади. Дастурга биноан маориф учун, тиббий хизмат учун ва озиқ-овқатга давлат томонидан кўплаб маблағ ажратилади. Бундан ташқари болаларга ҳам ёрдам пули тўланади. Ҳукумат камбағалликка қарши кураш учун миллий ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни йилига 5 фоизга кўтариши сабабли бундай маблағга эга бўлмоқчи. Бироқ давлат томонидан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори Мексикада кунига 3 доллардан камроқни ташкил этади. Буни ҳам кўпчилик ўз вақтида ололмаяпти.

***

2000 йилга бориб, Лондоннинг янги мэри сайланади. Бундай сайловларни ўтказиш ўта заруриятдир, деб ҳисоблашмоқда айрим матбуот вакиллари. Маълумки, Лондон Европадаги энг йирик пойтахт шаҳарлардан биридир. Шу боис ҳам 7 миллион аҳоли яшайдиган шаҳар мэрсиз бўлиши мумкин эмас. Бинобарин Британия ҳукуматининг ахборотига кўра пойтахт иқтисодиёти 115 миллиард долларлик ҳажмга эга. Бу бутун Россиядаги кўрсаткичга тенг, ҳамда Греция ва Португалиядагидан анча кўп.

***

Британиялик олимлар дастлабки кўппак-роботни яратдилар. Ушбу роботдан фермер хўжаликларидаги подани йиртқич ҳайвонлардан асрашда фойдаланилади, деб таҳмин қилинмоқда. Айрим ҳолларда кўппак-робот подачи вазифасини ҳам бажаради. Японияннинг «Сони» компанияси эса яхшилик аломати сифатида болалар учун робот-кучук яратди. Буйруққа биноан «кучук» тўп билан ўйнайди, бошини турли томонларга сарак-сарак қилади, ҳатто «из» топиши ҳам мумкин.

Муносабат

УЧ БОШЛИ «АЖДАҲО»

ёки қайси «Правда» ҳақиқатни ёзади?

Кейинги йиллардаги Россия матбуотига бир назар ташласангиз, қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўласиз: шу пайтгача мамлакатда «мазлум» ва «машҳур» «Правда» номи билан чиқувчи иккита газета бор эди. Яқиндан бошлаб улар сафига учинчи «Правда» қўшилди. Яна денг, бу газета ҳам ўзини «КПСС МК матбуот органи» бўлган собиқ «Правда»нинг ҳуқуқий вориси, деб ҳисобламоқда.

Дарвоқе, 1991 йил август ойигача чиқиб турган «Правда» рўзномасининг ўтган 70—80 йил ичида ким учун хизмат қилганию, қандай «ҳақиқат»ни ёзганини кўпчилигимиз яхши биламиз. Август воқеалари (путч)дан кейин бир қатор коммунистик нашрлар қаторида ушбу «ҳақиқат жарчиси» ҳам ёпиб қўйилганди. Лекин маълум муддат ўтгач осмондан тушдими, ердан топилдими, ишқилиб, грек бизнесменлари — Янникослар оиласи молиявий кўмаги туфайлигина газета қайтадан чоп этила бошланди. Афсуски, рўзнома жамоаси тўғри йўлдан бормай янги воқеликни рад этиб, яна «эски тос, эски ҳаммом» қабилида иш тутди. Яъни, ўзларини мухолифат вакиллари деб ҳисоблаган «правда»чилар Россиядаги демократик кучларнинг ҳар қандай саъй-ҳаракатларини пучга чиқаришга, мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий барқарорликка «пролетарча» нуқтаи-назардан ёндашишга интилдилар. Газетадаги бир ёқлама қараш, эски ақидапарастлик йўналиши билан келишолмаган бир гуруҳ ижодкорлар, жумладан таниқли журналист ва ёзувчи Владимир Губарев бошчилигидаги қаламкашлар «Правда» таҳририятини тарк этди.

Бош муҳаррир Геннадий Селезнев Россия Давлат думасига ишга ўтиб кетгандан сўнг, янги раҳбар А. Ильин эса газета ҳомийси Янникослар оиласи билан келишолмай қолди. Унинг гапига қараганда, грек бизнесменлари оиласи коммунистик ғояларни шиор қилиб олган таҳририят ходимларининг фикрларига қулоқ солмасдан газета фаолиятига аралашувни кучайтириб юборган эмиш.

Русларда «Мусиқани пулини тўлаган буюради» деган мақол бор. Афтидан, ўша чоғда ушбу мақолни А. Ильин унутган, шекилли. Грек бизнесменлари оиласи эса бу рус мақолини яхши кўришаркан. Улар дарров мақол «мағзи»ни «правда»чилар эсига солиб қўйишди. Қисқаси, Янникослар газетага молиявий ёрдамни тақа-тақ тўхтатиб қўйдилар. Бунинг ўрнига улар «Правда интернэшнл» акционерлик жамиятини тузиб, янги алоҳида газета — «Правда-5» рўзномасини чиқаришни йўлга қўйдилар. «Правда-5» нашри мамлакатдаги ва хориждаги мухбирлар тармоғини ўзида сақлаб қолди. Айни чоғда бу газетага Владимир Ряшин раҳбарликка тайинланди.

А. Ильин етакчилигидаги «Правда» эса иккинчи номдаги газетани сохталикда айблашдан ўзга чора тополмади. Бугунга келиб ушбу газетанинг молиявий аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Миллионлаб нусхада чоп этилган газетанинг кейинги сони бор-йўғи 15 минг нусхада чиқди, холос. Газета сарлавҳаси тагида «Россия Федерацияси коммунистик партияси» деган ёзув ҳалигача сақланишига қарамай Зюгановнинг РФКПси ҳам ҳеч бир ёрдам қўлини чўзмаяпти. Бинобарин, газета таҳририяти жамоаси тез орада «мусиқа учун янги буюртмачи» излашга мажбур бўлишлари аниқ.

Яна бир — учинчи «Правда»нинг дунё юзини кўрганига эса ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. У шу йилнинг 31 июлидан бошлаб чоп этиляпти. Дарвоқе, бу газета ўзини собиқ (1991 йил август ойигача чиқиб турган) «Правда»нинг ҳуқуқий вориси, деб ҳисоблайди. Гап шундаки, бундан уч йил олдин Виктор Линник бошлиқ бир гуруҳ «правда»чилар грек бизнесменлари — Янникослар оиласини танқид қилиб, газетанинг иқтисодий ҳомийси сифатида фақат россиялик молия тизилмалари бўлиши лозим деган даъво билан чиққандилар. Уч йиллик судлашувдан кейин ниҳоят В. Линник ва унинг шериклари ворисликка даъвогарликда ютиб чиқдилар. Лекин бу газетанинг ҳам молиявий аҳволи ночор.

Газета бош муҳаррири В. Линникнинг гапига қараганда, учинчи «Правда» «сўлмарказ йўналишидаги давлат ватанпарварлари газетаси ҳисобланиб, амалдаги ҳеч бир партия ва ҳаракатлар домига тушиб қолмайди». Табиийки, буни вақт кўрсатади. Лекин газетадаги бош мақоладан уқиб олганимиз — янги «Правда» мамлакатда илгари «энг нуфузли» ва ҳақиқатпарвар» бўлган собиқ нашр «анъаналари»ни давом эттирмоқчи. Хуллас Россия матбуотида ниқоб кийган уч бошли «аждаҳо» пайдо бўлди, деяверинг. Улардан қайси бири ҳақиқатни ёзади? Эски анъанани давом эттирмоқчи бўлган учинчи «Правда»ми, биринчисими ёки «Правда-5»ми? Агар уч «Правда»да уч «ҳақиқат» бўлса-чи?

Аслиддин БОЛИЕВ.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Уюшган жиноятчилик дунёдаги барча мамлакатлардан эндиликда Марказий Европага ҳам келмоқда, — деб ёзади Британиянинг «Санди Телеграф» газетаси. Венгрия, Польша ва Чехияда мафия кучайиб бормоқда. Газетанинг ахборотига кўра кейинги бир ярим йил ичида қотилликлар, ўғриликлар ва қароқчилик ҳужумлари ушбу мамлакатларда рекорд даражага етган. Марказий Европани 30-йиллардаги Чигагога ўхшатишаётганлиги бежиз эмас. Мафиянинг собиқ коммунистик давлатларга қизиқиши ортиб бораётганлигини ғарб сиёсатчилари ушбу давлатларнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлганликлари билан боғламоқдалар. Европа Иттифоқининг кенгайиши мафиянинг наркотик моддалар ва қуролларни Ғарбий Европага ташиб боришдек муаммоларини ҳал этишда қўл келади, дейишмоқда. Шу билан бирга улар Европа Иттифоқи ва ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлишга номзод бўлган мамлакатлар ўртасидаги музокаралар ижобий натижа берса, Европа Иттифоқи мамлакатларида уюшган жиноятчилик гуркираб ривожланишидан ҳафсирамоқдалар.

***

«Крисчиан Сайенс Монитор» газетаси америкаликларнинг озиқ-овқатга ишқибозликларига бағишлаб мақола эълон қилди. Мақола муаллифининг таъкидлашича, кейинги йигирма йил ичида уларнинг таби ўзгарган. Америкаликлар камроқ ейдиган бўлишди ва тўғри овқатланиш масалаларига қизиқадиган бўлиб қолишди. Мутахиссисларнинг фикрича, бунда уларнинг муаммолари кўпайиб қолди. Америкалик озиш ўрнига семириб боряпти. Ҳозир ҳар уч америкаликнинг бири мўлжалдагидан оғирроқдир. Бинобарин 70-йилларда Америкада семизлар сони 20 фоиздан ошмасди.

***

«Крисчиан Сайенс Монитор» газетаси Шарқий Европада аёлларга нисбатан турли чеклашлар қўлланилаётганлиги ҳақида ёзади. Ҳозирги пайтда Шарқий Европада яшайдиган аёллар учун иш топиш амри маҳол. Гап уларнинг саводсизлиги ёки ишни уддалай олмаслигида эмас, балки кўпгина фирмалар фақат эркаклар билан ишлашни афзал кўришади. Газетанинг маълумотига кўра, Украинада ишсиз аёллар 80 фоизни, Россияда 75 фоизни ташкил этади. Бироқ Россия Федерацияси собиқ меҳнат ва ижтимоий ривожланиш вазирининг айтишига кўра кўплаб эркаклар ишсиз юрган шароитда аёлларни ишга қабул қилиш нотўғридир. Шарқий Европада аёллар бир амаллашиб иш топсалар-да, уларга ўз ҳамкасблари бўлмиш эркакларга нисбатан анча камроқ маош тўланади.

Кеча хабар қилишларича, Швейцариянинг Монтре шаҳрида Кипр Президенти Главкос Клеридис ва Ороддаги турклар ҳамжамияти раҳбари Рауф Денкташ ўртасидаги музокараларнинг иккинчи қисми бошланди. Музокаралар 16 августгача давом этиши кўзда тутилмоқда. Учрашув арафасида Туркия турк қўшинлари томонидан босиб олинган ҳудудларни Туркия таркибига қўшиб олишни кўзда тутув-

ОЛАМ КЎЗГУСИ

чи шартномани Шимолий Кипр билан имзолашини эълон қилди. Туркия бу билан шарҳловчиларнинг фикрига кўра, Кипрдаги грекларни БМТ иштирокидаги музокараларда қатнашишдан воз кечишга мажбур этмоқчи. Бироқ Президент Клеридис грек — кипр томони ҳар қандай келишувга қарамай музокараларда иштирок этади, деди.

***

Босния пойтахти — Сараевода Босния мусулмон хорват федерациясининг миллий банки очилди. Бугундан бошлаб бутун федерация ҳудуди бўйлаб немис маркаси расмий тўлов воситаси бўлиб қолади. Бинобарин ГФР валютаси бундан аввал ҳам маҳаллий динор ва хорват кунаси билан баравар юрарди.

ҚАДАҲ СЎЗИ

Шунақасиям бўлади

ИРЛАНДИЯ. *Дублинда яшовчи Питер Мак Гуран дунёдаги энг зўр қадаҳ сўзи муаллифи ҳисобланади. У қадаҳ сўзи айтиш бўйича жаҳонда рекорд ўрнатди — 58 соату 3 минутлик кўрсаткич билан.*

— Сиз қадаҳ сўзини худди «отаётгандек» айтсангиз, ҳеч қийналмайсиз. Агар хат бошида «ҳим» дея нафас ростладингизми, тамом, узоққа боролмайсиз. Бамисли «учувчи дискни» улоқтираётгандек бошланг, — дейди 42 яшарлик рекордчи.

Мак Гуран ўзининг фавқулодда «сўзамоллик» қобилиятини жуда авайлайди. Ҳеч қачон тўғри келган жойда қадаҳ сўзи олмайди. «Нафас сақлаш керак» эмиш.

Балки тўғридир.

Радиостанциянинг «қадаҳ сўзи» конкурси ғолибига атаган мукофотни эшитган Мак Гуран студияга тўғри келдию, сўз бошлади. Хатто репортёрлар ҳам шошиб қолди.

Уни «ғолиблик» билан қутлаш учун аранг «сўзи»дан тўхтатишди.

ГАРОВГА ОЛИНГАН БОЛА

АНГЛИЯ. *Кольчестердаги савдо марказида тўсатдан шовқин-сурон кўтарилди. Қуролланган телбанамо йигит қўлидаги гўдакнинг бўғзига портловчи модда тўлдирилган бутилка тираб қичқирарди:*

— Ҳеч ким яқинлашмасин, орқага, яна бир қадам ташласанг, болани томоғидан портлатаман...

Ҳамма ваҳима билан ортга сурилиб, безорига йўл бўшатди. Гўдакнинг онаси бўлса фарёд чекиб дод соларди. Полициячилар ярим соатдан ортиқ «телба» билан музокара олиб боришди: бефойда.

— Яқинлашманглар, ярим соат жойингиздан жилманг, йўқса... — дерди у нуқул. Безорини сира кўндириб бўлмади.

Лекин полициячилардан бирининг миясига «алдаш керак» деган фикр келди. Телба йигитга орқасидаги «тез ёрдам» машинасида кетиши мумкинлигини, иложи борича синиқ оҳангда айтди. Лаққа тушган ўғри ортига бурилиб, машинага қарамоқчийди, полициячи таппа унинг устига босиб тушди.

Полициячининг айтишича, босқинчи йигит жуда асабий экан. Савдо марказида гўдакнинг онаси билан арзимаган «йўл бўшатмагани» учун баҳслашиб, қасос олиш учун қўлидан шартта боласини юлиб олибди.

Спорт

ЎРТА ПОҒОНА БОЙ БЕРДИ

Олий табақа футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг иккинчи давраси 18-тур ўйинларини ўтказишди. Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Навбаҳор» — «Нефтчи» — 0:3, «Чилонзор» — «Афросиёб» — 3:0, «Атласчи» — «Хоразм» — 3:7, «Янгиер» — «Андижон» — 3:2, «Зарафшон» — «Трактор» — 1:0, «Сурхон» — «Косонсой» — 3:2, «Насаф» — «Бухоро» — 3:0, «Пахтакор» — «Суғдиёна» — 3:0, «Дўстлик» — МҲСК— 2,3. Кўриниб турибдики, ўйинлар жадвалининг юқори поғоналарини эгаллаб турган жамоалар мавқеларини янада мустаҳкамлашга зўр беришмоқда. Бугунги кунда кучли олтиликни ташкил этган жамоалар чемпионликка даъвогар бўлишлари табиий. Зеро, мавсум охирида олий табақа билан хайрлашишлари мумкин бўлган тўрт жамоа ҳал қилувчи давра бошидаёқ ўзларини ўнглашга ҳаракат қилишаётгани кўзга ташланди. Гарчанд ўринларда ўзгаришлар деярли бўлмаган бўлса-да, «Хоразм», «Чилонзор» ,»Сурхон», «Янгиер» жамоалари ғалабага эришиб, мухлисларни қувонтиришди.

Жадвалнинг ўрта поғоналарини банд этиб турган «Бухоро», «Суғдиёна», «Трактор», «Афросиёб», «Косонсой» жамоалари эса имкониятни бой бериб, қимматли очколар йўқотишди. Ўйлаймизки, ҳал қилувчи давра учрашувлари турдан-турга шиддатли тус олаверади. Ўйинлар жадвали эса қуйидагича бўлди:

	Ю	Д	М	Т	О
МҲСК	**18**	**0**	**0**	**58-18**	**54**
«Нефтчи»	**14**	**2**	**2**	**56-18**	**44**
«Дўстлик»	**11**	**4**	**3**	**36-20**	**37**
«Пахтакор»	10	5	3	31-13	35
«Навбаҳор»	10	4	4	42-22	34
«Бухоро»	8	1	9	24-29	25
«Суғдиёна»	8	1	9	22-28	25
«Трактор»	6	5	7	23-24	23
«Зарафшон»	6	3	9	26-31	21
«Насаф»	5	6	7	26-29	21
«Афросиёб»	5	4	9	16-25	19
«Косонсой»	6	1	11	16-32	19
«Хоразм»	5	3	10	28-45	18
«Андижон»	5	2	11	27-40	17
«Атласчи»	**5**	**2**	**11**	**20-38**	**17**
«Чилонзор»	**5**	**2**	**11**	**19-26**	**17**
«Сурхон»	**4**	**5**	**9**	**17-38**	**17**
«Янгиер»	**4**	**4**	**10**	**24-36**	**15**

Бугун олий табақа жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг 19-тур ўйинлари бўлади. Мухлислар «Нефтчи» — «Пахтакор», «Трактор» — «Дўстлик» учрашувларига қизиқиш билан қарашмоқда.

ТАЙСОНГА УМИД БОРМИ?

Спорт ҳар қандай мамлакат довруғини оламга ёйиш омили экани, эндиликда сир эмас. Айниқса, энг оммавий спорт турлари — футбол, бокс, енгил атлетика, баскетбол билан шуғулланувчи йигит-қизлар ўз ватанлари нуфузини ошириш йўлида ҳамиша камарбаста бўлмоқдалар. Мухлислар Тайсон номи билан юритилувчи, енгилмас, деб таъриф ланган боксчи юзага чиқмаганда газета-журналларга тикилиб, «зангори экран»дан кўз узмай қолмасдилар. Аслида Майк Тайсон ким бўлган? Нима учун у миллионларга маъқул келиб қолди? Қолаверса, дунёдаги бирдан-бир миллионерга айланиши мумкин бўлган бу боксчи қандай ножўя ҳаракати учун панд еб, назардан қолмоқда? Келинг шунга ўхшаш, кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилайлик.

Бокс оламида ўзига хос саҳифа очган, тезкор, ҳужумкор, енгилиш нималигини билмайдиган Майк қандай қилиб «жаҳон айвони»га чиқиб қолди? У 1990 йили 11 февралда аросатда қолгани маълум. Ўшанда кутилмаганда Бастер Дагласдан енгилган. Албатта, Тайсон билиб-билмасдан имкониятни бой берди ва ўч олишга ҳозирлана бошлади. Афсуски, ғўзаллар танловининг ғолибларидан саналган бир хонимнинг даъво аризасига кўра Тайсон кутилмаганда ҳибсга олинди. Ҳар қандай уринишлар зое кетди. Олти йилга қамалди. Албатта, бу боксчи айбсиз-айбдор эканини яхши билса-да, ўзини оқлашга ҳеч қандай омил тополмай, қийин аҳволда қолган эди.

Майк фурсатни бой бермади. Қамоқхонада ҳам ҳаракатларга зўр берди. Аввало яратган Тангри олдида тавба-тазарру қилиб, чин дилдан ният ила мусулмон динини қабул қилди. Пайғамбаримиз уммат-ларидан бирига айланган Тайсон машғулотларни тобига етказиб, қамоқхонада ибратлилар safida турди. Шундай қилиб, уч йилу уч ой деганда озодликка чиқди. Ҳали минглаб мухлислар бу боксчига катта умид боғлаб турардилар. Бокс бўйича жаҳон юлдузи номини бошқа ҳеч кимга раво кўрмасдилар. У рингга кўтарилса бўлгани. Ҳар қандай рақибнинг ҳолига вой деяверинг, ўрганди. Аслида ўз мухлисларига эга бўлган, анчагина танилиб қолган Эвендерни бунчалик катта кетишини кўпчилик кутмаганди. Боиси, у ШВА, БВ, ШВС деб юритиладиган бокс уюшмаларининг мутлақ ғолиби бўлган. Айни пайтда Риддик Бауига бой бериб, назардан қолай деган. Аммо у бўш келмайдиганлардан эканини бир йил ўтиб, яъни 1993 йил 6 ноябрдаёқ алам олиш баҳсида исботлади. Мутахассислар бундай имкониятга моҳир боксчилардан Муҳаммад Али билан Флойд Паттерсонгина эришган, деб эътироф этадилар. Унинг камчилиги унвон ва обрў-эътиборини узоқ сақлай олмаслигида. Шунинг учунми, умидли боксчилардан Майкл Мурер Эвендерни барча обрў-эътиборини йўққа чиқараёзди.

Эвендер яна кўтарилиш пайида бўлиб турганда унинг вужудида яшириниган «рақиб», яъни юрак ҳуружи рингга чиқишига имкон бермади. Икки йилча дам олишга тўғри келди. Мухлислари уни унутаёзишди. Ниҳоят, 1995 йил 4 ноябрь куни яна рингга кўтарилиб, Риддик Бауидан аламини олди. Бундай ютуқ ҳар кимга ҳам насиб этавермасди. Жиддий хасталикдан кейин яна ўнгланиш Эвендер туганмас имкониятлар соҳиби эканидан нишонадир. Энди у бутун куч ва маҳоратини Тайсонга қарата бошлайди. Майкнинг жанг қилиш усулларини обдон ўрганди. Айниқса унинг жангга бирдан киришиш, шердек ҳамласи, рақибни иккинчи раундга қолдирмаёқ чилпарчин қилиш каби усуллари Эвендер учун қўл келиб қолди. Билдики, Тайсон кўп раундли боксчи эмас. Ниятига дастлабки раундаёқ эришишга интилади. Ўтган йилнинг 9 ноябрида икки кучли боксчининг учрашувида Эвендернинг ғолиб келиши ҳам шунда. Мухлислар бу баҳсни кузатган бўлсалар яхши биладиларки, Эвендер таҳмин қилганидек жанг Тайсоннинг тезкор ҳамласи билан бошланди. Назаримизда муштлашув кўпга бормайдигандек туюлди. Зеро, Холифильд бу жангда ўз билганини ишга солди. Беш раунд мобайнида ҳимоядан нарига ўтмади. Навбатдаги раундда эса Тайсоннинг чарчаганлиги кўрина бошлади. 7-раунддан бошлаб Эвендер ташаббусни қўлига олди ва Тайсонни чин маънода, миллионлар кўз ўнгида дўппослай кетди. Икки бор нокдаунга учраган Тайсон ўн биринчи раунд тугамай туриб, курашни давом эттиришга қурби қолмаганлигини аён қилди.

Шу йилнинг май ойи бошида ҳар иккала боксчи ўртасида «уч олиш» жанги бўлиб ўтгани ҳамманинг ёдида. Бу жангда ким ғолиб чиқса, 30 миллион доллардан кўпроқ мукофотга эга бўлиши аниқ эди.

Жаҳон юлдузлари ҳаётидан

Афсуски бу сафар ҳам Тайсон ўз ниятига етолмади. Энг ёмони спортчига хос бўлмаган ножўя ҳаракатлари билан шармандаю шармисор бўлди. Унинг таъбири билан айтганда: ўзини билмай қолиб, Эвендернинг қулоғини шартта тишлаб олган эмиш. Нима бўларди? Оқибати ҳам шунга ярашада? Тайсон мукофотдан ҳам маҳрум бўлди. Халқаро бокс уюшмаси эса собиқ бокс қиролини рингдаги ҳаракатларини кўриб чиқиб, профессионал боксчилар safidan четлатишга қарор қилди. Мана сизга Эвендернинг устамонлиги-ю Тайсоннинг манманлиги. Ким билади дейсиз, ҳаммага ҳайратомуз ҳаракатлари билан маъқул келиб қолган Тайсон яна қандайдир йўллар билан боксга қайтади, деб умид қилса бўлармикин?

Ҳайдар НОСИРОВ,
Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳар Сиргали туманидаги «Миробид ота» номидаги хусусий фирманинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«КАТТА АШУЛА» ИФОДАСИ

ТОШКЕНТ. *Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Дамир Рўзибоев ўзига хос ҳайкалтарошлардан. Унинг асарларида миллий руҳ ўз ифодасини топган. Хусусан, «Созандалар», «Сайрамлик қиз», «Наврўз» каби асарларга тикилганда миллийликдан таъсирланамиз. Айниқса, «Хумо қуши» билан «Бибихоним масжиди» асарлари диққатга сазовор. Санъаткорнинг «Ҳофиз» асарида эса туркона, яъни ликопча билан катта ашула айтиш чин маънодаги ифодасини топган.*

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

БОҒ МАКТАБНИ БОҚМОҚДА

ХОРАЗМ. *Шовот туманидаги Комил Хоразмий номли мактаб биноси вилоятда биринчилар қатори янги ўқув мавсумига тахт қилиб қўйилди. Бунинг учун жамоа бюджетдан ёки ҳомийлардан тийин ҳам олгани йўқ.*

«40 сотих боғимиз бор, — дейди мактаб директори Ҳамдам Бобожонов. — Бу ерда етиштирилаётган сархил мевалар ҳисобига ўзимизни ўзимиз моддий жиҳатдан таъминлаяпмиз». Мактаб ўзига хос оромгоҳни эслатади. Ҳаммаёқ ямяшил. Боғ, полиз, гулзор. Бино хоналарида эса 1000 тупдан кўпроқ манзарали гул тувакларда парваришланмоқда.

Р. ҲАСАН.

ИЧ ТЕРЛАМА

Ёз фасли ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликларининг кўпайиши даври ҳисобланади. Ичбуруғ, қорин тифи, сальмонеллёз каби хасталиклар шулар жумласидандир.

Ич терламани А ва В ичак бактериялари оиласига кирадиган микроблар вужудга келтиради. Микроблар бемор организмидан ахлат, сўлак орқали ажралиб чиқади. Ич терлама ва паратифлар кўпроқ озиқ-овқат истеъмоли орқали юқиши мумкин.

Бу касалликларнинг тарқалишида истеъмол суви муҳим ўрин тутади. Ариқ, ҳовуз, қудуқ каби очиқ сув ҳавзалари ифлосланган бўлиши мумкин. Бундай сувни қайнатмасдан ичиш, идиш-товоқ, сабзавот ва меваларни ювиш ёки чўмилаётганда ютиб юбориш касаллик юқишига олиб келади. Сув ифлосланганда ич терлама ва паратиф аҳоли ўртасида бирданига авж олиб кетиши мумкин.

Ич терламанинг яширин даври бир неча кундан уч ҳафтагача чўзилади. Бунда касаллик юққан одам организмида микроблар кўпаяди. Улар медадан ўтиб, ингичка ичакка тушади ва ичак деворларини яллиғлантириб, яра ҳосил қилади.

Ич терлама оғир кечганда чуқур яралардан қон оқиши, ҳатто ичак деворлари тешилиши, қорин пардаси яллиғланиши мумкин. Микроблар ингичка лимфа аппарати орқали қонга ўтади ва жигар, талоқ, нерв системаси, юрак ва ўпкага тарқалади. Микроблар касалликнинг биринчи кунлариданоқ организмдан ажрала бошлайди.

Касаллик кўпинча астасекин бошланади. Иситма кўтарила бориб, ҳафта мобайнида 39—40 даражагача етади ва узоқ вақт шу маромда бўлиб туради. Беморнинг боши оғрийди, беҳол бўлади, уйқуси бузилади, иштаҳаси пасаяди, титраб-қақшайди. Касаллик 5—7 куни авжга чиқади — иситма баланд бўлиб, умумий интоксикация рўй-рост намоён бўлади. Бемор карахт юради, уйқу босади, довдирайди. Касаллик оғирлашганда бемор ҳушидан кетиши мумкин.

Ич терлама организм қаршилигини сусайтириб, иккиламчи инфекция-стоматит, отит, зотилжам ва бошқа касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Миокардит, коллапс, тромбофлебитлар, менингит, менингоэнцефалит, невритлар каби асоратлар кўп учрайди.

Севара НОСИРОВА,
Тошкент шаҳар саломатлик маркази бўлими бошлиғи.

Шифокор огоҳлантиради

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 12 avgust, seshanba № 94 (22.178).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи А. ОМОНБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҚЎШИҒИНГИЗНИ ТУШУНТИРИБ БЕРИНГ

Маънавият ва санъат

Ёшларнинг қўшиқ ва куйга бўлган муносабатини кузатиб туриб, уларнинг ўзи, дунёқараши, орзу-умиди ва келажакдаги ўйлари тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Зотан, қўшиқ шундай хулоса чиқаришга имкон беради, унинг қудрати беқиёс, у бевосита кишининг руҳиятига таъсир этади.

Албатта, ҳар бир замон, ҳар бир давр ёшларининг кўнглини забт этган, қайсидир маънода дунёқарашини ифодалайдиган қўшиқлар бўлади. Айтайлик, олтмишинчи йилларда йигит-қизлар ўртасида урф-одат тусига кирган, уларнинг кўнглини жўштирган қўшиқларни бугунги ёшлар эҳтимол қабул қилишмайди. Аслида, бунга ажабланмаслик ҳам керак. Чунки ҳар бир давр маълум бир ақида ва ғояларни илгари суради ва биз истаймизми-йўқми, бу ғояларнинг таъсири қўшиққа ҳам ўтади.

Олтмишинчи йилларда эркинлик батамом бўғилган, санъат ҳам мафкура таъсирига тушган, ҳар бир қўшиқ ва куй шўро манфаатига хизмат қилар ва табиийки, жамиятдаги навқирон куч-ёшлар ҳаёти ҳам бундан четда қолмаган эди. Қўшиқ ҳам шиорлар сингари ёшларни турли хил қурилишларга, қўриқ ерларни ўзлаштиришга даъват этарди.

Бугун эса, давр бошқача, ёшлар ҳам дунёга ўзгача кўз билан назар ташлашмоқда, уларнинг кўнглида Ватан, миллат ва эзгу ишларга нисбатан ёниқлик ҳамда шижоат туйғуси баланд.

Хўш, бугунги ёшлар қандай қўшиқларни куйлашмоқда? Уларнинг қўшиқ, умуман айтганда, санъат тўғрисидаги тасаввурлари нима билан изоҳланади? Қўшиқларини тинглаб туриб, уларнинг дунёқараши тўғрисида маълум бир хулосага келиш мумкинми?

Аввало шуни айтиш керакки, юртимиз мустақилликка эришгач, қўшиқчилик санъатига бўлган муносабат ва қараш тубдан ўзгарди, қўшиқ миллий қиёфа ва тарбия воситаси деб эътироф этилди. Иқтидор ва қизиқиши баланд ёшларга ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, халққа манзур бўладиган қўшиқлар яратиши учун кенг йўл очиб берилди.

Шунинг натижаси ўлароқ, «Болалар», «Ал-вакил», «Байрам», «Тошкент», «Нола», «Шофайз» каби бир қатор гуруҳлар юзага келдики, бугунги кунда улар ўз қўшиқ ва овозларига эга, ёшлар ўртасида эътибор топган.

Юқорида номлари келтирилган гуруҳларнинг, бугунги қўшиқчилик борасидаги изланиш ва саъй-ҳаракатларини кузатган киши бир нарсага иқрор бўлади: ёшлар ижрочилик фаолиятида эстрада жанри устунлик қилмоқда, аксарият гуруҳлар санъатнинг айнан мана шу йўлини танлашган.

Нега?

Албатта, унинг ўзига хос бир қатор сабаблари бор.

Маълумки, жаҳон қўшиқчилик санъатида эстрада жанри етакчи ўрин тутади, у жуда кўп халқлар ўртасида буткул оммавийлашиб кетган ва бу борада катта ютуқлар қўлга киритилган. Эстрада жанрининг имкониятлари катта ва у замонавий ижрочилик усулларидан бири саналади. Эстрада ҳамма учун мўлжалланган, уни ёшлар ҳам, кексалар ҳам бирдек тинглаши, завқ-шавқ олиши мумкин.

Бугун Ўзбекистон жаҳонга юз тутаётган бир пайтда ёшлар ўз иқтидорларини юзага чиқариш учун ижрочиликнинг мана шу йўлини танлашига ҳам табиий ҳол, деб қараш мумкин.

Тўғри, юқорида номлари қайд этилган гуруҳларнинг бугунги изланишларини ҳали мукаммал ва миллий ижод ҳосиласи деб бўлмайди. Ижро этилган қўшиқлар, айниқса, мусиқа яратишда, турли хил нуқсонлар, баъзан кишини ғашига тегадиган Ғарбга кўр-кўрона тақлид, миллий руҳдан узоқлашиш каби камчиликлар учрайди. Аммо бундай камчиликлар ва нуқсонлардан кўз юммаган ҳолда ёшлар изланишу интилишлари орқали эришаётган ютуқ ва муваффақиятларни ҳам айтиб ўтиш керак. Зеро, ёшлар миллий эстрада қўшиқчилик борасида ўзига хос янги йўл очишга уринишмоқда.

Бундай пайтда, тақлид, адашиш ва бошқа камчиликлар ҳам рўй беришини ҳеч ким инкор этмаса керак. Чунки янгилик ҳеч қачон ўз-ўзидан дунёга келмайди, у узоқ изланиш ва машаққатлар эвазига муайян бир шакл касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугун эстрада жанри, гарчи 70-йилларда Ботир Зокиров тамал тошини қўйиб кетган бўлса-да, қайтадан миллий қиёфа ва миллий руҳ касб этиш сингари муҳим бир жараённи ўз бошидан кечирмоқда. Эҳтимол, бундай таъриф баъзиларга эриш туюлиши мумкин. Бироқ юқорида номлари келтирилган гуруҳларнинг изланишлари ва ижро этаётган қўшиқларини кузатган киши шундай хулосага келади. Мисол учун, кейинги пайтларда ёшлар халқ қўшиғи ва термаларини эстрада услубига солиб, ижро этаётгани, унга янгича оҳанг ва кўрк бағишлаётганига гувоҳ бўламиз.

Жумладан, Равшан Намозовнинг «Ковушим», «Мажнунтол», «Байрам» гуруҳининг «Думбира», «Нола»нинг баъзи қўшиқларида шундай ҳолни кўриш мумкин.

Албатта, бу қувончли ҳодиса. Ўз навбатида у ёшларнинг изланишлари натижасиз кетмаётганини ва эстрада жанри миллий маъно касб этаётганини кўрсатади. Шунингдек, ёшларнинг истиқболига умид билан қараш ва эрта бир кун улар ўзига хос қўшиқчилик санъати оламини яратишига ишонч уйғотади.

Аммо ёшлар гуруҳининг барчаси ҳақида шундай самимий ва ёрқин фикр билдириб бўлмайди.

Тўғри, гоҳида маҳорат ва тажриба етишмаганидан қўшиқлар маромига етмаслиги мумкин. Буни тушунса бўлади. Аммо баъзан шундай қўшиқлар қулоққа чалиниб қоладики, у қандай қўшиқ, қайси тилда айтилаяпти ўзи, дея ҳайрон бўлиб қолади киши.

Мисол учун, «Ал-вакил» гуруҳи томонидан ижро этилган баъзи қўшиқларни эшитиб, киши беихтиёр шундай фикрга боради: нима ўзи бу, қўшиқми ёки шунчаки алжирашми?

Мана бу қўшиқ матнини ўқиб кўринг:

Бом-бом пашше,
чакки-чакки бом-ше.

(Бу сўзлар қўшиқ бошланишида тахдидли мусиқа остида олти марта такрорланади).

Кўм-кўк атроф,
кўзингни юм-ёп,
Кам экан, маликам,
мани кучим кам,
Сан-сан маликам,
дона-дона ни за кем,
Севги йўқ, маликам,
севги йўқ.
Бу ёлғон, бу ёлғон эмас.
Чунки биз, камида биз, камида у,
Камида бу, биз чекамиз.
Севги йўқ, севги йўқ,
гапирма уятсиз.
Ман, ман чекаман.
Чек, мана, Тилак,
Ёки е калтак.
Сенинг томинг кетган,
Биласанми нега?
Нега, нега?
Чеквотганингга.
Чак Бос, маники устоз.
Манда буниси тоза,
бор-йўғи экан тоза,
Агар ким олса, буни без спроса.

Бу қўшиқни, агар уни ростдан ҳам қўшиқ деб аташ мумкин бўлса, «Ал-вакил» гуруҳи айтган, у англашимизча, чекиш ҳақида.

Хўш, энди ўзингиз батафсил фикр юритиб кўринг: бу «қўшиқ» тингловчи кўнглида қандай туйғу уйғотади? Қўшиқми шу ўзи? Қани унда сўзнинг сеҳри ва гўзаллиги? Бу «қўшиқ» чекишга қарши айтилган, аммо у моҳиятан ёшларни шунга даъват этадими?

Ахир, уч-тўртта алмойи-жалмойи сўзларни куйга солиб айтган билан қўшиқ туғилавермайди-ку. Қўшиқ оддий ва жўн тушунча эмас, халқимиз азал-азалдан уни эъзозлаб келган, ҳатто илоҳий, дея эътироф этган.

«Беш йилча илгари, — деб ҳикоя қилади атоқли олим Ғайбулло ас-Салом, — тўсатдан оғир дардга чалиниб қолдим. Юрак қурғур қаттиқ хуруж қилса, денг. Узоқ вақт икки дунё орасида бехуш ётдим. Бир куни қулоғимга қандайдир қўшиқ ғира-шира чалиниб қолди. Агар ишонсангиз, шундай ёқимли, шундай сеҳрли қўшиқки, тўппа-тўғри юрагимга оқиб киради, вужудим жимирлаб-жимирлаб кетади. Шу қўшиқ мени дунёга қайтарди, уни тинглаб ётиб, ўзимда яшашга кучли майл сездим, юрагим ҳам аста-секин соғайиб кетди.

Ўшанда ҳам, ҳозир ҳам сўз билан ифодалаб беролмайману, аммо шу қўшиқни тинглаб ётиб жуда кўп нарсаларни ҳис этгандим.

Кейинчалик, оёққа турганч, ўша қўшиқни излаб топдим. Мана ўша қўшиқнинг икки сатри:

Гул бир ён, чаман
бир ён,
Гўрўғли Султон бир ён,
Тўра Сулаймон бир ён».

Дарвоқе, аслида ҳам шундай: қўшиқнинг қудрати чексиз, у кўнгилдаги сўнган туйғуларни қайта тирилтиради, яшашга рағбат ва иштиёқ уйғотади. Шунинг учун у қўшиқ, дея ном олган, эъзозланган. Қўшиқ кўнгилнинг тубтубидан отилиб чиқади, унда армон ҳам, қувонч ҳам, меҳру-муҳаббат, соғинчу-қўмсаш ҳам бор...

Машҳур адиблардан бири ёзадики, биз куй ва қўшиқда энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун эса, онгимиз ёришган замонлардан бошлаб, бутун тарихимиз давомида курашганмиз...

Қўшиққа берилган бундай юксак таърифларни кўплаб келтириш мумкин. Зотан, у шунга муносибдир.

Аммо «Ал-вакил» гуруҳи ижро этган «қўшиқ» ҳақида шунга яқин фикр айтиш мумкинми?! Биз, рости гап, бу «қўшиқ»ни тушунмадик, балки уни ижро этган гуруҳнинг ўзи тушунтириб беради? Уларнинг бундай «қўшиқ» айтишдан мақсади нима? Кимни ҳайратга солишмоқчи ўзи?

Яна бир қўшиқ бор, у «Гўзалина» деб номланади:

Ойижонингни арзанда, эркатойисан,
Каттакон фирмада хўжайин аданг.
Қиз бола бўлсанг ҳам тегингда мошинанг,
Мен эса, шунчаки оддий боламан аттанг,
Тўғри, сен мени жуда яхши кўрасан,
Ҳар куни уйимга мошинангда келасан.
Лекин бунақа бахт менга керакмас,
Бунақа ҳаёт менга тўғри келмас.
Гўзалина, Гўзалина,
Мени унута қолгина.
Сен билан яшай олмасман,
Тенгингни топа қолгина.
Гўзалина, Гўзалина...

Бу қўшиқ, бир қарашда, нуқсон ва ғализликлардан холи, тушунарли тилда ёзилган, ўйноқи оҳанги билан кишига илиқ таассурот уйғотадигандек туюлади. Аммо тузукроқ эътибор берсангиз, бошқа нарсани илғайсиз: ўзбек тили улуғ ва бой тил, унда ҳар қандай фикрни содда ва аниқ ифодалайдиган минглаб ибора ҳамда ташбеҳларни топиш мумкин. Айниқса, қизларнинг ҳусну латофатини таърифлайдиган қизларнинг ўзи сингари чиройли сўзлар бор. Аммо ижрочилар берилиб айтган «Гўзалина» деган сўз йўқ. Бу чучмал ва ясама сўзни уларнинг ўзи ўйлаб топган. Қўшиқдаги сўзларнинг қофияланишига эътибор беринг:

Гўзалина
Қолгина
Қолгина
Гўзалина...

Қўшиқда тилга нисбатан ҳурмат нафақат сақланиши, балки сўзларнинг қудрати, қўрки, чиройи ва оҳанги янада ошиши, уни тинглаган киши тили шундай улуғ ва бетакрор эканидан фахрланиши керак эмасми?!

Яқинда истеъдодли шоирлардан бири куюнганча гапирди:

— Баъзи ёшлар айтган қўшиқни эшитиб, ҳафсаланг буткул пир бўлади. Ахир, сўзга ҳам шунча ҳурматсизлик қилишадими? Баъзан қайси тилда қўшиқ айтишаётганини ҳам англолмайсан киши. Бундай ясама ва сийқаси чиққан сўзлар тилимизни қашшоқлаштирмайдими?!

Албатта, эшагига яраша тушови, дегандек «қўшиғи» шундай бўлгач, куйидан ҳам бирон бир янгилик кутиб бўлмайди. Шу боис ҳам, бу ҳақда фикр-мулоҳаза юритишнинг ўзи ортиқча, деб ўйлаймиз.

Бугун ҳеч кимга сен манави қўшиқни айт ёки буни айтма, дея қатъий талаб қўйиб бўлмайди. Ҳар ким ўз кўнгил дунёсидан келиб чиқиб, қўшиқ айтади ва бунга унинг юз фоиз ҳаққи бор.

Аммо бу — қўшиқ, деб айтгулик суроби ҳам йўқ, ҳали суяги қотмаган ёшларнинг тарбиясига ёмон таъсир кўрсатадиган қўшиқларни оммалашишига кенг йўл очиб бериш дегани эмас.

Ҳолбуки, қўшиқчилик санъатининг олис йиллар давомида шаклланган умумий мезон ва талаблари мавжуд, буни бузиш ёки нописанд муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг маънавий ҳаққи йўқ.

Шу маънода «Ал-вакил» гуруҳининг биз юқорида қайд этган ва бошқа қўшиқлари тўплами овоз ёзиш студиялари эмин-эркин сотилаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

«Олти ёшли набирамнинг тилидан «Чекаман, ман чекаман», деган қўшиқ тушмайди, — деб ёзади журналист Шаҳзодахон Худойқулова. — У қандай қўшиқ айтаётганини тузук-қуруқ англамайди. Лекин унинг гўдак тасаввурида чекиш яхши экан, деган фикр пайдо бўлмаслигига ким кафолат беради?!»

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бугун овоз студиялари фаолиятини жиддий назорат қилиш лозим. Чунки бу студияларнинг шаҳобчалари қўшиқ ва фильмлар халқ орасига тарқаладиган асосий нуқталардан бири саналади. Аммо бугун бундай шаҳобчаларда нафақат «Ал-вакил», балки чет эл гуруҳларининг маънавий эҳтиёжимизга мутлақо тўғри келмайдиган беҳаё қўшиқлари, шафқатсизлик ҳамда ёвузликни тарғиб этадиган турли хил видеофильмлар сотилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Маънавият масаласи ҳаётимизда устувор маъно касб этаётган бир чоғда бундай ҳолга табиийки, эътиборсиз қараб бўлмайди. Овоз ёзиш студиялари фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, фақат халқимизнинг маънавиятини бойитишга хизмат қиладиган қўшиқ ва фильмлар тўпламини сотишни таъминлашнинг аллақачон фурсати етмадимикин?!

Биз юқорида «Ал-вакил» гуруҳи ижро этган баъзи қўшиқлар устидан фикр юритдик. Албатта, биз ушбу гуруҳнинг бутун ижодий фаолиятига танқидий кўз билан қараш фикридан йироқмиз. Чунки бу гуруҳ жамоасини эндигина катта ҳаётга қадам қўяётган ёшлар ташкил этади, улар шубҳасиз истеъдодли йигитлар, санъатга ҳавас ва интилишлари баланд, буни қадрлаш керак. Чунки тўрт-бешта ёшни бир жойга тўплаб, бадиий гуруҳ тузиш, саҳнага чиқиб қўшиқ айтиш —. бу шунчаки оддий иш эмас, балки кишидан алоҳида изланиш ва машаққат талаб қилади.

Шунинг баробарида, қўшиқ, умуман айтганда, санъат олдида ҳамма бирдек масъулдир. Қўшиқ қачонки миллий заминда илдиз отса, шу юртнинг қувончу муҳаббатига йўғрилган бўлса, шундагина эътибор топади, қадр-қиммати ортади.

Шу маънода «Ал-вакил» ва шунга ўхшаш бошқа гуруҳларга ўзлигини англаш йўлида муваффақият тилаймиз.

Шодиқул ҲАМРОЕВ.



Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ таронолари» халқаро мусиқа фестивалида энг гўзал, энг сара қўшиқлар ижро этилиши кутилмоқда. Самарқанд туманидаги Нодир Девонбеги мадрасасининг бош майдони мусиқа фестивалининг асосий марказларидан бири бўлади. Шу боис ҳам ушбу меъморий ёдгорликни таъмирлаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Ажойиб усталардан —Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуқаҳҳор Ҳаққуловнинг ўғиллари Абдураззоқ ва Абдуғани бинони пардозлаш ишларини амалга оширишяпти. Тарихий ёдгорлик атрофидаги кўчалар ва боғлар ҳам бугунги кунда меҳмонларни кутиб олишга шайланмоқда. Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари ҳақиқий шарқ байрамини ҳис этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Суратда: майдонга плиталарни аниқ ва сифатли ўрнатиш ишларига «Ўзагроқурилиш» трести 505-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари бригадири Ғайрат Ражабов бош-қош.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.